

Ўзбекистон туманида эрта тонгданоқ уюшқоқлик билан бошланган умумхалқ хайрия ҳашари кўтаринки руҳда давом этмоқда

Бугун мамлакатимиз бўйлаб "Маҳалла ободлиги - юрт фаровонлиги" шиори остида ободонлаштириш ва қўкаламзорлаштириш умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон туманида ҳам эрта тонгданоқ бошланган ҳашар аҳоли турар жойлари, меҳнат жамоалари ва кўча-кўйда уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда.



Ана шу хайрли тадбирлар туманинг "Каримобод" маҳалласида ҳам ҳудуд аҳлининг бирдамлигида ўtkазилмоқда.

Маҳалладаги 559 та хонадонда 2380 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Қишлоқ аҳли маҳалла қабристонини обод этиб, кўчалар, ариқ ва зовурларни тозалашда фаоллик кўrsатмоқдалар.

Яйпан шаҳрининг "Туркистон" маҳалласида ҳам ёшу-қари ободлик ишларида фаол иштирок этиб, муборак Рамазон ҳайити байрамини кўтаринки руҳда кутиб олиш учун ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилишмоқда.



Шунингдек, ободлик тадбирлари давомида маҳаллалардаги ижтимоий ҳимояга мухтоҷ кексалар, пенсионерлар, ёлғиз қариялар, ногиронлиги бўлган, эҳтиёжманд оиласаларнинг уй-жойларини саринжом-саришта қилишга кўмаклашиш тадбирлари ҳам амалга оширилади.

Сиз ҳам ободонлаштириш ва кўкаlamзорлаштириш умумхалқ хайрия ҳашарида фаол иштирок этинг!

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги

2022-04-30 16:50:46